



THE PROBLEM OF MIGRATION IN TURKEY AFTER THE "ARAB SPRING"

Khabiullo Ya. Azimov

Lecturer

Tashkent State University of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Migration, refugees, asylum seekers, ethnic conflicts, "Arab Spring", Syrian crisis, Xenophobia

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: Migration processes are an important component of the history of the Middle East region. Forced migration processes have not stopped in the region for the past two centuries. The forced migration of the population is connected with the formation of the modern Middle East and the demarcation of the borders of the countries in the region. In recent years, many refugee crises have occurred in the Middle East. This article includes in detail the migration problems that arise after the "Arab Spring" in the Republic of Turkey.

“АРАБ БАХОРИ”ДАН КЕЙИН ТУРКИЯДА МИГРАЦИЯ МУАММОСИ

Ҳабиулло Я. Азимов

ўқитувчи

Тошкент давлат шарқшинослик университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Миграция, қочоклар, бошпана изловчилар, этник можаролар, “Араб баҳори”, Сурия инқирози, Ксенофобия

Аннотация: Миграцион жараёнлар Яқин Шарқ минтақаси тарихининг муҳим таркибий қисмидир. Минтақада сўнгги икки аср давомида мажбурий миграция жараёнлари тўхтагани йўқ. Ахолининг мажбурий кўчиши замонавий Яқин Шарқнинг шаклланиши ва минтақадаги давлатларнинг чегараларини белгилаш билан боғлиқ. Сўнгги йилларда Яқин Шарқда кўплаб қочқинлар инқирози юзага келди. Ушбу мақолада Туркия Республикасида “Араб баҳори”дан кейин

ПРОБЛЕМА МИГРАЦИИ В ТУРЦИИ ПОСЛЕ «АРАБСКОЙ ВЕСНЫ».

Хабиулло Я. Азимов

преподаватель

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: миграция, беженцы, лица, ищащие убежища, этнические конфликты, «арабская весна», сирийский кризис, ксенофобия

Аннотация: Миграционные процессы являются важной составляющей истории ближневосточного региона. Вынужденные миграционные процессы не прекращаются в регионе на протяжении последних двух столетий. Вынужденная миграция населения связана с формированием современного Ближнего Востока и демаркацией границ стран региона. В последние годы на Ближнем Востоке произошло много кризисов с беженцами. В данной статье подробно рассматриваются миграционные проблемы, возникающие после «Арабской весны» в Турецкой Республике.

КИРИШ

Миграция ҳодисаси ижтимоий ўзгаришларнинг кўрсаткичларидан биридир. Мамлакатнинг саноатлаштириш ва урбанизация тезлиги модернизация жараёни билан яққол намоён бўлади[1]. Миграция жараёнлари инсоният тарихи қадар эски ҳисобланади. Замонавий дунёда кечётган турли ижтимоий, сиёсий, ҳарбий ва экологик жараёнлар ҳозирга келиб ҳалқаро миграция ва ноқонуний миграция каби ҳолатларга йўл очмоқда. Аввало шуни таъкидлаш керакки, муҳожир (мигрант), қочқин ва бошпана сўровчи ўртасида баъзи фарқлар мавжуд. Қочқинлар ва бошпана изловчиларни иммигрант деб аташ мумкин бўлса-да, ҳар бир муҳожирни бошпана изловчи ёки қочқин деб номлаш тўғри бўлмайди. Ҳалқаро хукуқ нуқтаи назаридан, қочқинларнинг хукуқий мақомини белгиловчи ва қочқинлар хукуқларини тартибга солувчи хужжатлар 1951 йилда қабул қилинган “Женева конвенцияси” ва 1967 йилдаги “Қочқинларнинг хукуқий мақоми тўғрисидаги Протоколи” ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳон ҳамжамияти 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ноқонуний миграцияга минтақавий ва глобал хавфсизлик учун янги кўринишдаги муаммо сифатида эътибор қаратади. Мажбурий миграция Яқин Шарқ тарихининг муҳим таркибий қисмидир.

Минтақада сўнгги 150 йил давомида мажбурий миграция жараёнлари тўхтагани йўқ. Аҳолининг мажбурий кўчиши замонавий Яқин Шарқнинг шаклланиши ва минтақадаги давлатларнинг чегараларини белгилаш билан боғлиқ. Айниқса, сўнгги йилларда Яқин Шарқда кўплаб қочқинлар инқирози юзага келди. Ушбу маколада Туркия Республикасида “Араб баҳори”дан кейин юзага келган миграция муаммолари ҳақида атрофлича баён ҳисобланади.

Туркияning Осиё, Европа ва Африка қитъалари ўртасида кўприк вазифасини ўтаси ва муҳим дengiz йўлларига эга бўлиши кўплаб муҳожирлар томонидан Ғарбнинг ривожланган давлатларига кўчиб ўтиш учун транзит ҳудуд сифатида Туркияни танлашига сабаб бўлмоқда. Туркияning қочқинлар билан боғлиқ халқаро мажбуриятлари ҳам Женева конвенцияси ва 1967 йилдаги Қочқинларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги протокол доирасида белгиланган. Туркия Республикаси ҳар иккала конвенцияни имзолаган давлат ҳисобланади.

Туркия ўзининг жойлашуви ва ён атрофидаги давлатлар бидан тарихий алоқалари туфайли ушбу конвенциясини географик резервация шарти билан ратификация қилган. Ушбу шартга кўра, Туркия Европа давлатларининг биридан қочганларни қочқин сифатида қабул қиласи, шарқдан ёки Африканинг бирон бир давлатидан бошпана сўраганларга нисбатан бу ҳуқуқини тан олмайди[2]. 1951 йилги Конвенцияга кўра, қочқин “ирқи, дини, миллати, маълум бир ижтимоий групхга мансублиги ёки сиёсий қарашлари туфайли таъкиб қилинишидан асосли қўрқувга эга бўлган ва шу сабабли ўз мамлакатини тарқ этган ҳамда юртига қайта олмайдиган шахсдир”[3]. Бошпана изловчи ўзини қочқин деб даъво қилган ҳолда ўз мамлакатини тарқ этган, аммо қочқинлик мақомини олиш учун аризаси якунланмаган шахс бўлса, қочқин бошпана сўрови қабул қилинган шахсдир.

БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги (United Nations High Commissioner for Refugees- UNHCR) 2020 йилга келиб дунёда муҳожирлар ва қочқинлар сони 70 миллионга яқинлашгани маълум қилиган. Бу рақамларнинг аксарияти Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасига тўғри келади. БМТнинг Қочқинлар бўйича олий комиссарлик манбаларига кўра, 2010 йилга қадар Туркияга 2 миллионга яқин қочқин келган, уларнинг аксарияти Эрон, Ироқ ва Болгариядан ҳисобланади. Эронда Шоҳ режимининг қулаши, Ҳумайнин режими ning ўрнатилиши ҳамда Эрон-Ироқ урушидан кейин бир миллионга яқин эронлик Туркияга келгани тахмин қилинмоқда. 1991 йилда “Биринчи кўрфаз уруши” пайтида 500 000 киши Ироқдан келиб Туркияда бошпана топган. Бу қочқинларнинг аксарияти ўз мамлакатида сиёсий барқарорлик тиклангандан кейин қайтиб кетаётган бўлса-да, Туркияга ҳар куни Сомали, Афғонистон, Шри-Ланка ва Фаластиндан қочқинлар келишда давом етмоқда. 1856 йил Крим урушидан кейин Туркияга

биринчи муҳожирлар тўлқинига *рубору* килган эди. Уша даврда мамлакатга татар, черкес ва чечен миллатига мансуб мусулмонлар кўчиб этган эди[9]. Бу турдаги мигрантлар ҳаракати 1923 йилдан 1997 йиллар оралиғида ҳам давом этди. Бу йилларда Туркияга 1,6 миллиондан ортиқ Болқон турклари, боснияликлар, помаклар, албанлар ва чинганалар Туркияга кўчиб келди. Аксарияти муҳожирларга тезда Туркия фуқаролигига берилди.

Туркияда муҳожирлар оқимининг иккинчи катта тўлкини Яқин Шарқда “Араб баҳори” деб номланган халқ намойишлари даврига тўғри келади. Маълумки, 2010 йилнинг 17 декабря туислик Мұхаммад Буазизи ўзини ҳукумат биноси ёнида ёқиб юбориши натижасида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ минтақсидаги араб давлатларда ҳукуматга қарши норозичилик намойишлари занжири бошланган эди. Ҳукумат кучлари билан норози халқ ўртасида шиддатли тўқнашувлар натижасида содир бўлган “Ясмин инқилоби” билан 23 йилдан бери ҳокимият тепасида турган Зайнал Абидин бен Али 2011 йил 14 январь куни ҳокимиятни ташлаб, Саудия Арабистонига қочиб кетди. Тунисда бошланган бу намойишлар ишсизлик, иқтисодий қийинчилик ва шу каби ижтимоиф муаммоларга ғарқ бўлган бошқа араб мамлакатларида ҳам зудлик билан ёйила бошлади. Натижада, Мисрда Ҳусни Муборак, Ливияда Муаммар Каддафийнинг узоқ йиллик ҳокимияти барҳам топди. Бу намойишлар таъсири Жазоир, Яман, Баҳраин, Ироқ, Сурия каби бошқа араб давлатларига ҳам кенг тарқалди. Суриядаги Ҳофиз Асаднинг 30 йиллик бошқаруви 2000-йилда унинг ўлими сабаб ўғли Башар Асадга ўтди. Дастлаб халқаро ҳамжамият томонидан ислоҳотчи деб ҳисобланган Башар Асад бу умидларни оқлай олмади. 2011-йилда унинг ҳукуматига қарши оммавий халқ норозичилик ҳаракати бошлагиб кетди[4]. Сурия билан 911 километрлик чегарага эга Туркия, Суриядаги ички тартибсизликлардан энг кўп заарар кўрган давлатлардан бири. Асад режими Суриядаги 2011 йилнинг март ойида бошланган халқ нарозичилик ҳаракатини қонли йўл билан бостиришга ҳаракат қилди. Натижада юзага келган бекарорлик сурияликларни хавфсиз худудларни излаш учун мажбурий миграцияга йўл очди. Уларнинг катта қисми болалар ва аёллардир. БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги берган маълумотига кўра, Сурия инқирози бошланганда бери 6 миллионга яқин тинч аҳоли яшаш жойларини ташлаб кетган. Уларнинг аксарияти мамлакатга қўшни бўлган Туркия, Ливан, Иордания, Ироқ ва Миср каби давлатлардан бошпана топган[5].

2023 йил апрел ойи ҳолатига кўра, Туркияда вақтинчалик ҳимоя мақомида рўйхатга олинган сурияликлар сони, жами 3 миллион 411 минг 29 кишига етган. Миграция бошқармаси томонидан эълон қилинган ёш оралиғи жадвалига кўра, суриялик эркаклар умумий сурияликларнинг 53,07 фоизини ташкил қиласа, мамлакатдаги аёллар 46,93% ташкил этади. 2023 йил ҳолатига кўра, Туркияда вақтинчалик жойлаштириш марказларида яшаётган сурияликлар сони 62815 нафарни ташкил етди. Бу рақам 2022-йил бошида 51535,

2021 йил бошида 58752 тани ташкил етган. Ҳозирда Туркиядаги суряликларнинг атиги 1,84 фоизи махсус лагерларда яшайди. 2023 йил 20 апрель ҳолатига кўра, Туркиядаги шаҳарларда яшовчи суряликлар сони 3 миллион 348 минг кишини ташкил қилган. Анқара, Анталия, Айдин, Бурса, Чанакқала, Дузже, Эдирна, Ҳатай, Искандарум, Истанбул, Измир, Кожаели, Муғла, Сакаря, Текирдағ ва Ялова ҳамда бошқа шаҳарларда яшамоқда.

Шаҳарлар бўйича суряликлар сони:

№	Шаҳар	Суряликлар сони
1.	Истанбул	531.098
2.	Газиантеп	450.115
3.	Шонлиурфа	349.919
4.	Ҳатай	330.239
5.	Адана	243.496
6.	Мерсин	237.404
7.	Бурса	182.505
8.	Измир	142.746
9.	Кония	118.076
10.	Анқара	90.684
11.	Қаҳрамонмараш	90.588
12.	Мардин	85.627
13.	Қайсари	80.720
14.	Килис	74.796
15.	Кўжаэли	52.575
16.	Усмония	37.851
17.	Малатия	31.274
18.	Диярбакир	21.825
19.	Адияман	21.490
20.	Сакария	15.029
21.	Денизли	13.436
22.	Невшаҳар	12.814
23.	Маниса	12.784
24.	Батман	12.238
25.	Элазиг	12.173
26.	Текирдоғ	11.868
27.	Афёнкараҳисар	10.991
28.	Мұғла	10.319
29.	Самсун	9.032
30.	Будур	8.759
31.	Айдин	8.329
32.	Испарта	7.208
33.	Эскишехир	6.668
34.	Ниғда	6.539
35.	Ёзгат	5.186
36.	Ширнақ	5.100
37.	Анталия	4.667
38.	Баликкесир	4.403
39.	Чанакқала	4.236
40.	Сиирт	4.092
41.	Болу	4.060

42.	Ақсарай	3.849
43.	Ялова	3.510
44.	Сивас	3.287
45.	Трабзон	3.265
46.	Чўрим	3.063
47.	Ушақ	2.842
48.	Кастамону	1.849
49.	Киршаҳар	1.720
50.	Қириққала	1.695
51.	Кутахия	1.602
52.	Ван	1.601
53.	Муш	1.541
54.	Карабук	1.466
55.	Дузжа	1.411
56.	Риза	1.273
57.	Амасия	1.254
58.	Бингул	1.200
59.	Тўқат	1.177
60.	Ағри	1.154
61.	Битлис	1.055
62.	Ўрду	1.043
63.	Киркларли	1.034
64.	Эрзурум	963
65.	Караман	827
66.	Чанкири	681
67.	Зонгулдак	665
68.	Билежек	628
69.	Эдирна	623
70.	Бартин	434
71.	Гирусун	329
72.	Синоп	195
73.	Карс	162
74.	Гумушхана	139
75.	Эрзинжан	136
76.	Ардахан	108
77.	Иғдир	68
78.	Артвин	66
79.	Байбурт	58
80.	Ҳаккари	50
81.	Тунҗели	47

Туркия давлат статистика қўмитаси (*Türkiye İstatistik Kurumu -TÜİK*) томонидан берилган маълумотга кўра, Туркия аҳолиси 85 миллион 279 минг 553 нафарни ташкил этади. Шулардан 3,84 фоиз сурялийк мухожирларни ташкил этмоқда. Туркия Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 2022 йил 19 декабрда берилган баёнотда, 223 минг 881 нафар сурялийк Туркия фуқаролигини олганилиги маълум қилинган[6]. Ҳозиргача Туркия мамлакатда бўлиб турган сурялийк мухожирларнинг қунлик озиқ-овқат эҳтиёжи, тиббий ёрдам, таълим ва бошқа соҳалар учун сарфлаган ҳаражатлари 40-50 миллиард АҚШ

доллари орасида эканлиги расмий доиралар томонида маълум қилинган. 2019 йил 19 феврал куни Будапешт жараёлари Олтинчи вазирлар конференциясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида Туркия президенти Ражаб Т.Эрдўған “Биз сурялик мухожирларга БМТ мезонларига кўра, ўз миллий манбаларимиздан сарфлаган маблағимиз, 37 миллиард доллардан ошди”, деб тақидлаган эди[7].

Туркиядаги аҳолининг аксарияти сурялик мухожирларни кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг сабабчиси деб ҳисоблайди. Иқтисодий муаммоларнинг чукурлашиши ва суряликларга яшаш, иш, таълим ва фуқаролик берилиши жамиятнинг кўп қисмида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда мамлакат фуқароларининг аксарияти иқтидордаги партиянинг мухожирларга қаратилган сиёсатидан норози эканлигин айтиш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Араб баҳори”дан кейин Туркия дуч келган мухожирлар тўлқини мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий, маданий ва хавфсизлик жараёнларга сезиларли таъсир ўтказди. Бугунги кунда Туркия мамлакатда бўлиб тўрган мухожирлар учун катта миқдорда пул сарфламоқда. Бу мамлакат иқтисоди учун ортиқча юқ ҳисобланади. Қочқинлар масаласида халқаро ҳамжамият билан биргалиқда ҳаракат қилиб, муштарак ечимлар ишлаб чиқиш принсибиал аҳамиятга эга. Туркия томонидан сурялик қочқинлар учун Сурия худудида хавфсиз зоналар яратиш бўйича ташаббуслар илгари сўрилмоқда. Бу орқали сурялик қочқинларнинг Туркияга келиши камаяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Brown, L. A., & Moore, E. G. (1970). The intra-urban migration process: a perspective. *Geografiska Annaler: Series B, Human Geography*, 52(1), 1-13.
2. ORHAN, Oytun, Suriye'ye Komşu Ülkelerde Suriyeli Mültecilerin Durumu: Bulgular, Sonuçlar ve Öneriler, Orsam Rapor, No: 189, Nisan 2014.
3. Taylor, E. J. (1999). The new economics of labour migration and the role of remittances in the migration process. *International migration*, 37(1), 63-88.
4. ORHAN, Oytun ve Sebiha Senyücel Gündoğar, Suriyeli Sığınmacıların Türkiye'ye Etkileri, Rapor No: 195, Ocak 2015.
5. Yakubovich, A. H. (2019). The emergence of the Syrian crisis and the impact of the external forces on it. *Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research*, (4 (6)), 92-97.
6. İçduygu, A., & Yükseker, D. (2012). Rethinking transit migration in Turkey: reality and re-presentation in the creation of a migratory phenomenon. *Population, Space and Place*, 18(4), 441-456.

7. Ravshanov, F. R., & Azimov, H. Y. (2021). Danger and Security: History and Present. *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 8(4), 280-285.
8. Aras, N. E. G., & Mencütek, Z. Ş. (2015). The international migration and foreign policy nexus: the case of Syrian refugee crisis and Turkey. *Migration letters*, 12(3), 193-208.
9. Ekmekci, P. E. (2017). Syrian refugees, health and migration legislation in Turkey. *Journal of immigrant and minority health*, 19(6), 1434-1441.
10. Azimov, H. Y. (2021). Emergence Of New Threats To Turkey's National Security During The Syrian Crisis:“Euphrates Shield” Movement. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(01), 42-48.
11. Korukcu, O., Aydin, R., Conway, J., & Kukulu, K. (2018). Motherhood in the shade of migration: A qualitative study of the experience of Syrian refugee mothers living in Turkey. *Nursing & health sciences*, 20(1), 46-53.
12. Madaminova, D. I., & Zilong, W. (2022). The Problem of Migration and Approaches to Its Study. *International Journal of Social Science Research and Review*, 5(1), 176-183.
13. Yazgan, P., Utku, D. E., & Sirkeci, I. (2015). Syrian crisis and migration. *Migration Letters*, 12(3), 181-192.
14. Habibullo, A., & Durdona, M. (2021). Xalqaro xavfsizlik o'quv qo'llanma.
15. Özdemir, E. (2017). Suriyeli mülteciler krizinin Türkiye'ye etkileri. *Uluslararası Kriz ve Siyaset Araştırmaları Dergisi*, 1(3), 114-140.